*ИНСОН, ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН*

# ҚОНУНЧИЛИККА ОҒИШМАЙ РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

А. РЕКУНКОВ,
СССР Бош прокурори

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг июнь Пленумидаги докладида қайта қуришнинг сиёсий якунлари чиқарилди, ҳозирги босқичда унинг энг муҳим вазифалари белгиланди.

Пленумда биз тўғри йўлдан бораётганлигимиз алоҳида ишонч билан таъкидланди. Шу билан бирга қайта қуриш мураккаб ва зиддиятли жараён эканлигини тушуниш партия ва жамиятда қарор топди. Ўртоқ М. С. Горбачев қайд этганидек, «Аслида биз ҳозир қайта қуришнинг биринчи тўлқинидагина турибмиз. Бу тўлқин туриб қолган сувни ҳаракатга келтириб юборди». Бироқ қайта қуриш узоқ давом этадиган сиёсат деган тушунчани алоҳида ташвишларсиз хотиржамлик деган тушунча билан алмаштириш чуқур янглишиш бўлур эди. Бугуноқ ҳар бир киши ўз ишида ва ҳар бир иш жойида сезиларли амалий натижаларга эришмоғи лозим.

Экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш — қайта қуришнинг ғоят муҳим бўғини. Экономикамизни кризисолди ҳолатидан олиб чиқиш чуқур чинакам революцион ўзгартишларни тақозо этади. Уларнинг моҳияти Пленумда таҳлил қилиб чиқилди ва СССР Олий Совети сессиясида қонун кучи билан мустаҳкамланди.

Пленумнинг сиёсий қарорлари қонун тилига кўчирилди. Кўзда тутилаётган ўзгартишларнинг ташкилий жиҳати қонунчилик фаолиятининг кенг программасини, иқтисодий ислоҳотнинг ҳуқуқий механизмини расмийлаштиришни ўз ичига олмоғи лозим.

Июнь Пленумида белгиланганидек, ёндашиш жуда оддий: қонунчилик ёки хўжалик соҳасидаги у ёки бу ҳаракатларнинг қонунга мослиги ёки қонунга зидлиги масаласида ноаниқликлар тўла барҳам топиши лозим. «Қонун билан тақиқланмаган ҳамма ишни қилишга рухсат берилади», деган умумҳуқуқий принципни кенг қўллаш лозим.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун қабул қилинганидан кейин унга зид барча норматив актлар бекор қилиниши, шунингдек, идоравий норматив яратиш қатъий юридик тартибга солиниши лозим.

Маълумки, КПСС Марказий Комитети 4 июнда «Социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда прокурор назорати ролини ошириш чоралари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланадики, «70-йилларда ва 80-йилларнинг бошларида жамиятда салбий тенденциялар кучайиб борган бир вазиятда СССР Прокуратураси ва унинг жойлардаги органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришни тўла даражада таъминлай олмадилар. Қонунларнинг аниқ ва бир хил тарзда ижро этилиши устидан олий назорат сусайтириб қўйилди, жамият манфаатларига, социалистик турмуш тарзига хилоф бўлган ҳодисаларга ҳамиша ҳам қаршилик кўрсатилмади. Прокуратура ходимларининг бир қисми қонунчиликнинг принципиал позицияларида маҳкам туриб қола олмади, маҳаллий таъсирга ва тор маҳкамачилик манфаатлари таъсирига берилиб кетди. Социалистик мулкни кўп миқдорда ўғирлаш, порахўрлик, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик каби холларга ҳамиша ҳам ўз вақтида чек қўйилмади, ана шундай ҳолларга кишиларнинг катта-катта группалари, шу жумладан масъул мансабдор шахслар ҳам тортилди.

Бу холис ва кескин баҳо. Бироқ Ўзбекистонда юз берган ҳодисаларга нисбатан олганда бу баҳо янада кескинроқ бўлиши мумкинлиги ҳақида гапирсам, фикримга қўшиларсиз.

Партия XXVII съездида республикада қарор топган вазият муфассал таҳлил қилиб чиқилди. Идеология ишидаги жиддий нуқсонлар, кадрлар билан ишлашда ленинча принципларнинг бузилиши, қонунларга риоя қилиниши устидан назоратнинг сусайиши туфайли Ўзбекистонда юлғичлик хатти-ҳаракатлари, қўшиб ёзишлар, ўғирликлар, порахўрлик, шахсий манфаатини кўзлаб бошқа суиистеъмолликлар кенг қулоч ёйганлиги яхши маълум. Давлат ва хўжалик раҳбарлигининг амалда барча бўғинларида социал адолат принципларининг бузилишига йўл қўйилди.

Пахтачиликда ва пахтани қайта ишлаш саноатида юз берган ҳолатни фалокатдан бўлак сўз билан ифодалаш мумкин эмас. Улкан бойликлар ўғирланди ва талон-тарож қилинди. Кўпгина раҳбарлар масъулият туйғусини бутунлай йўқотишди, ўзларини-ўзлари жазодан четда қолишларига ишонтиришди. Бу жиноятларда, ҳозирда аниқланганидек, ўн минглаб киши қатнашди, минглаб мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилди.

Бироқ қанчалик ишонарли бўлмасин, ҳеч қандай рақамлар билан бу ишлар ортида турган инсон фожиасини асло ифодалаб бўлмайди.

СССР Прокуратураси сизларга яхши маълум бўлган Поп агросаноат бирлашмаси собиқ бош директори А. Одиловнинг иши юзасидан терговни тугатмоқда. У узоқ йиллар мобайнида кўпгина оғир жиноятларнинг ташкилотчиси ва актив ижрочиси бўлган. Ерларни ҳисобдан яшириб, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматини ўзлаштирган. Одилов шунгача бориб етдики, хусусий шахсларга ижарага бериладиган ҳар гектар ер учун 1 мингдан 2 минг сўмгача нарх белгилади. Унинг ўзи йирик миқдорда пора олар ва бошқаларга ҳам шундай пора берарди. Боз устига тобора янги-янги фактлар ошкор бўлмоқда. Одилов одамларни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада таҳқирлашлари-чи!

Агар Одилов республиканинг айрим собиқ раҳбарлари хомийлигини ҳис қилмаганида эди, шу сингари хатти-ҳаракатлар қила олмасди. Зеро, унинг назоратсиз хатти-ҳаракатларига айнан шулар тўла эркинлик бериб қўйишган эди.

Республикада таркиб топган бебошлик, жазодан қутилиб қолиш практикаси кўплаб соф виждонли меҳнаткашларни ғазаблантирарди. Бироқ порахўрлар ва юлғичларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлаш шароитида бундай кишиларнинг сигналлари эътиборсиз қолдирилар, уларга нисбатан эса турли ғайри-қонуний ҳаракатлар содир этиларди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳуқуқ-тартиботнинг умумий аҳволига ғоят хатарли даражада таъсир этмасдан қолмасди. Кейинги беш йил ичида республикада жиноятчилик деярли икки баравар ошди. Бир қатор қуролланган бандит группалари пайдо бўлди. Улар йиллаб бемалол ҳаракат қилишди. Қонунсизликнинг оқибатлари мана шундай. Ҳаммаси қўшиб ёзишлар, имкониятлар билан ҳисоблашмаган ҳолда яхшироқ кўриниш истагидан бошланди. Давлатни алдаш, партияни алдашнинг бутун оқибатларини кўрсатувчи бундан яққолроқ мисолни ҳатто ўйлаб топиш ҳам қийин.

Ўтмишнинг мана шундай кўнгилсиз фактларини эслашнинг нима кераги бор? Аввало бу тарихий, чуқур ва принципиал хулосалар чиқариш учун, ҳозирги босқичда аниқ ҳаракат программасини белгилаб олиш учун, бундай салбий ҳолатлар асло қайтарилмаслиги учун зарур.

Ўтмишсиз келажак бўлмайди. Ўтмишда эса, бу ҳақда тўғри ва ошкора айтишимиз керакки, Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари вазият билан тамомила муросасозлик қилиб ўзларига юклатилган функцияларни таъминламадиларгина эмас, балки ўзлари салбий ҳолатларнинг кўпайиб боришига кўмаклашдилар. Ходимларнинг бир қисми жинояткорона йўлга кириб кетди. Прокуратура, ички ишлар ва юстиция органларининг кўпгина ходимлари порахўрлик, суиистеъмолликлар, қонунчиликнинг бошқача кўринишдаги бузилишлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар. Ўзига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлари учун икки мингдан кўпроқ ходим бўшатилди. Энг яхшиси кутиш позициясини эгаллаш деб ҳисоблаганлар ҳам бўлди. Бундайлар жиноятларда иштирок этишмади, бироқ нималар содир бўлаётганини кўра-била туриб миқ этишмади ва ой сайин хотиржамгина партия взносларини тўлаб боришди, минбарларга чиқиб олиб қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш тўғрисида ҳаммага аён бўлган ҳақиқатларни гапиравеҳришди.

Партия ва халқ манфаатларига бундай тўғридан тўғри хоинлик, профессионал жиҳатдан таназзулга юз тутиш, бизнинг умумий ишимизга бекиёс зиён келтирди, одамларнинг социал адолатга бўлган ишончига путур етказди.

Ҳозир республикадаги вазият бирмунча нормаллашмоқда. Экономикада ҳам, социал соҳада ҳам муайян ижобий силжишлар бор. Бундай силжиш ҳуқуқ-тартибот практикасида ҳам кўзга ташланмоқда.

«Пахта иши» деб аталган тергов жараёнида ҳуқуқ-тартибот органларининг кўпгина ходимлари юксак профессионал маҳорат ва гражданлик жасоратини намоён этдилар.

Кейинги йилларда биринчи маротаба 1986 йилда оғир жиноятлар қисқарди. Бу жараён ўтган ярим йилда ҳам давом этди. Партия ва ҳукуматнинг ичкиликбозликни камайтириш борасидаги катта тадбирлари ижтимоий ва ишлаб чиқариш ҳаётига умумий соғломлик бахш этди.

Давлат интизомини бузишлар, хўжасизликка қарши бирмунча актив кураш олиб борилмоқда. Ўқувчилардан ўқув жараёни билан боғлиқ бўлмаган қишлоқ хўжалик ва бошқа ишларда оммавий фойдаланишдан иборат номақбул тажрибага чек қўйилиши, пахта майдонларига ишлов бериш чоғида заҳарли, зарарли химикатлардан фойдаланишни таъқиқлаш, меҳнатсиз даромадларга қарши кураш юзасидан янада қатъийроқ чоралар кўрилаётганлиги аҳолининг қизғин ва манфаатдорлик билан қўллаб-қувватлашига сазовор бўлмоқда.

Республиканинг бир қатор шаҳарлари ва районларида ҳуқуқ-тартибот органлари жамоатчилик, партия ва совет органларининг ёрдамига таяниб, қатъийроқ, ҳужумкор бўлиб бормоқдалар. Шу билан бирга кўпгина прокуратуралар, ички ишлар органлари, судлар жамиятда кучайиб бораётган жараёнлардан яққол орқада қолмоқдалар. Уларнинг ишида ҳануз ўз умрини ўтаб бўлган мезонлар сақланиб қолмоқда. Улар интизомни мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ва тартибни кучайтириш учун ўз имкониятларидан суст фойдаланмоқдалар.

ССР Иттифоқи Прокуратураси ходимлари яқинда Ўзбекистонда бўлдилар ва ишонч ҳосил қилдиларки, бир қатор жойларда олдинга олға босиш йўқгина эмас, балки ҳатто, илгари эгалланган марралар ҳам бой берилмоқда. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида мутлақо аниқ қилиб айтилдики, ким ўзини қайта қуришни хоҳласа, ҳозирда шундай қилди ва ишга киришиб кетди. Янги вазифаларни тушуниб етмаган кишилар эса, эскиликка ёпишиб олиб, ўзларининг фаолиятсизликлари билан амалда қайта қуришга қарши иш қилмоқдалар.

Экономикада қонунчилик режимини таъминлашнинг аҳволи суст, йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст ўзгармоқда. Республикада халқ мулкини сақлашни яхшилаш, ўғирлик, порахўрлик, давлат интизомини бузувчиларга барҳам бериш борасида туб ўзгариш юз бергани йўқ. Давлатни алдаш, кўзбўямачилик фактлари кўп. Ерларни талон-тарож қилиш, экин майдонларини ҳисобдан яшириб қолиш ҳоллари юз бериб турибди.

1986 йил камомадлар, моддий бойликларнинг яроқсиз бўлиб қолишидан кўрилган зарар миллионлаб сўмга етди. Қўшиб ёзишлар миллион сўмлик рақамлар билан ифодаланмоқда. Прогуллар, бекор туришлар ва меҳнат ҳамда ишлаб чиқариш интизомини бошқа кўринишда бузишлар натижасида давлат 105 миллион сўмлик саноат маҳсулоти кам олди. Брак маҳсулот чиқариш камаймаётир. Давлат стандарти органлари текширган маҳсулотнинг ярмидан кўпи ностандарт деб топилди.

Нима учун шундай бўлмоқда? Аввало шунинг учунки, ҳануз совет қонунларини қўпол равишда оёқ ости қилаётган, жамият ҳисобига бойлик орттиришни давом эттираётган, яқин ўтмишдан зарур сабоқ чиқариб олмаётган кишиларга нисбатан муросасизлик, талабчанлик вазияти вужудга келтирилмаган.

Оғир жиноятларни содир этганликлари учун хўжалик, партия ва совет органларининг кўпгина ходимлари суд жавобгарлигига тортилди. Бироқ ахир бу шунчаки мақсад эмас, муҳими шундаки юз берган ҳолатларнинг сабаби охиригача очиб ташлансин, уларга тўғри сиёсий ва ҳуқуқий баҳо берилсин, жиноятчилар фойдаланиб келган йўллар ишонарли беркитиб қўйилсин, давлатга қарши ҳолатлар такрорланишига йўл қўйилмасин.

Бироқ буни айтиш осон, бажариш анчагина қийин. Конкрет мисоллар келтираман. Жиззах областининг Мирзачўл районида 1984 йили «Советская Россия» колхозининг директори Абдураҳмонов кўзбўямачилиги учун қамалган эди. Бир йилдан кейин унинг ўриндоши Худоёров икки юз минг сўм маблағни ўғирлагани учун жавобгарликка тортилди. Яқинда эса шу вазифага янгидан тайинланган Султонов ҳам йирик миқдордаги ўғирликлари учун қўлга олинди.

Самарқанд областида механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Мукумов беш юз минг сўмлик ҳажмда қўшиб ёзишга йўл қўйди. Бунинг учун унга ҳайфсан эълон қилишди, материалларни прокуратурага ўтказишмади ва ҳатто лавозимини ошириб қўйишди — завод директорлигига тайинлашди. Нима учун? Партия ва давлатни алдагани учун.

Шу йилнинг февралида Бухоро область «Швейтрикотажбит» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Фозиловга қўшиб ёзганлиги учун жарима солишди ва уч йил мобайнида раҳбарлик лавозимини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этишди. Бундай жазо Фозиловни ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи қилиб ўтказишга, унинг ўрнига эса илгари мансаб жинояти учун судланган Мираковни тайинлашга тўсқинлик қила олмади.

Бухоро областида бундай ҳодисалар якка-ёлғиз эмас. Ўғирликлар, порахўрликлар, мансаб жиноятлари содир этган шахслар партия сафида қолаверишларига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бухоро ва Жиззах областларида район ва область партия комитетлари ҳуқуқ-тартибот органларининг шундай масалалар бўйича ахборотларини кўпинча эътиборсиз қолдиради. КПСС Уставида бу тўғрида қатъий талаб борлиги — жиноят содир этган коммунистлардан икки карра кўпроқ талабчанлик қилиниши тўғрисидаги талаб ифодаланганлигини унутиш мумкин эмас.

Прокуратураларга келганда эса улар совет қонунлари ҳимоясида қатъий туришлари, давлат манфаатлари ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида гап борган барча ҳолатларда ташаббус кўрсатиб принципиаллик ва қатъиятлик билан ҳаракат қилишлари, прокурор назоратининг профилактик йўналишини кучайтиришлари керак. Бу талаб бошқа ҳуқуқ-тартибот органларига ҳам баробар тааллуқлидир.

Прокурорлар бутун ишнинг оғирлик марказини бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назоратга ўтказишлари, жамият иқтисодий ва социал ҳаётининг барча соҳаларида қонунчиликни ҳар томонлама кучайтиришлари лозим. Асосий эътибор министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, бошқа мансабдор шахслар ўзларига топширилган иш участкаларида қонунларга риоя қилиниши бўйича юклатилган вазифаларни қандай бажараётганликларини таъсирчан назорат қилиб боришга қаратилиши, уларга бу ишда зарур ёрдам кўрсатилиши, қонунчиликни бузишларни ўз вақтида аниқлаш ва бундай ҳолларга чек қўйишга қаратилмоғи керак.

Шу муносабат билан прокуратура органлари эндиликда қўшимча ваколатлар билан таъминланганлар ва бу ваколатларни қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб актив қўллаш лозим.

Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш борасидаги бутун фаолият партия ва совет органларининг ташкилотчилик тадбирлари билан боғлаб олиб борилиши керак. Ишда қайта қуришга кўпроқ жўшқинлик сингдирилган, унинг самарадорлиги оширилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин. Интизом, тартиб ва қонунчилик учун курашдаги қизғинлик сусая бошлади. Эҳтимол шу муносабат билан республикада «соя» экономика деб номланувчи жиҳатнинг кўламлари ошаётгандир? Чайқовчилик кенг ёйилмоқда, ичкиликбозлик фактлари тез-тез содир бўлмоқда, ишёқмаслар, текинхўрлар, ташмачилар — меҳнаткаш халқ ҳисобига яшаётган кишилар ўзларини анча эркин ҳис эта бошладилар.

Масалан, Самарқанд областида матлубот кооперацияси адресига эътирозлар кўп. Одамлар савдо қоидаларини бузишлар, суиистеъмолликлар, харидор ҳақига мунтазам хиёнат қилишлар, торозидан уриб қолишлар, чайқовчиликлардан шикоят қилмоқдалар. Ўғирлик ҳақидаги сигналлар ҳам бўлди. Область партия комитетининг таклифига биноан, областнинг назорат қилувчи органлари, савдо бошқармаси ва область матлубот жамияти вакилларидан иборат бригадалар районларга чиқишди. Бироқ кўрсатилган ташкилотларнинг вакиллари бирон-бир жиддий суиистеъмолликларни аниқлай олишмади. Жумладан, район прокурорлари ҳам бу борада ҳеч қандай материалга эга эмас эдилар, чунки улар бу масалалар билан шуғулланишмаганди.

Таажжубланарли вазият вужудга келди: одамлар тартибсизликларни кўриб туришибди, ўз хизмат тақозоси билан бу тартибсизликларга чек қўйиши лозим бўлган кишилар эса бамисоли кўзларига парда тутиб олишганга ўхшайди. Область прокурори В. Еременко бир неча мана шундай сигнал олгач, ишнинг ҳақиқий аҳволини аниқлаш учун аппарат ходимларини районларга йўллаб тўғри иш қилди. Текширишлар чоғида кўпгина ўғирликлар, суиистеъмоллик, пора олиш, харидорларни алдаш фактлари очиб ташланди. Прокуратура буларнинг ҳаммаси тўғрисида область партия комитети ва область ижроия комитетини хабардор қилди. Барибир ишни охирига етказишмади. Хайбаракаллачилардан жиддий талаб қилишмади. Область матлубот жамияти, назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари фаолиятсизлик учун ўз жавобгарликларини тўла ҳис қилмадилар.

Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг устига кўпгина ишлар бўйича назорат қилувчи органларнинг ходимлари ўғрилар ва жиноятчилар билан бирлашиб кетганликлари фактлари аниқланди. Назоратнинг сустлиги ва кўплиги тилларда достон бўлиб юрибди. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида халқ контроли комитети базасида мамлакатда контролнинг ягона яхлит системасини барпо этиш тўғрисида гапирилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳозирнинг ўзидаёқ ўз ишларини шу тарзда қайта қуришлари керакки, токи хўжасизлик ва талон-торожликларга чек қўйиш бўйича барча назорат қилувчи органлар билан куч-ғайратлар бирлашиб кетсин.

Бошқарув системасида амалга ошириладиган ўзгартишлар аввало ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий бўғини — корхонага тааллуқлидир. Худди мана шу ишлаб чиқариш коллективларида моддий бойликлар яратилади, иқтисодий ва социал вазифаларнинг бажарилиши таъминланади.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунда белгиланган кенг ҳуқуқлар ўтмишда юз берганидек идоралар томонидан бузилмаслиги ва чекланмаслиги лозим, уларга тўла салмоқли ҳуқуқий гарантиялар, маъмуриятчиликлар, бюрократик бузилишлардан амалда муҳофаза зарур. Фақат бошқарувнинг юқори органлари томонидангина эмас, балки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳам турли «мақсадга мувофиқ» истаклар ниқоби остида корхоналарга уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини ҳисобга олмасдан топшириқлар белгилаш давом этмоқда. Бундай номақбул тажриба Ўзбекистонда ҳам кенг ёйилган.

Биз ҳозир мураккаб даврни бошдан кечирмоқдамиз. Барча норматив базаларни қайта кўриб чиқишимиз лозим. Маълум бир муддат ичида янги ва эскирган инструкциялардан фойдаланилади. Маълумки, давлат корхонаси тўғрисидаги СССР Қонуни тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитларидагина амалга оширилади. Барча корхоналарни ана шу принциплар асосида ишлашга ўтказиш 1988—1989 йилларда амалга оширилади. Ҳозирги шароитларда прокурордан тортиб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа ходимларидан алоҳида ҳуқуқий етуклик ва сиёсий онглилик талаб қилинади. Хатти-ҳаракатлари даврнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларига жавоб берувчи ташаббускор, омилкор кишилар идоравий бюрократизм ва алмисоқдан қолган регламентлаштириш қурбони бўлиб қолмасликлари кўп жиҳатдан бизларга боғлиқдир. Айни пайтда турли суиистеъмолликлар, кўзбўямачилик, ғаразгўйлик — улар ҳар қандай сохта шаклларда тақдим этилмасин, улар билан боғлиқ «ишбилармонлик»нинг пайини қирқиш керак.

Биз асосий эътиборни район бўғинидаги ишларни такомиллаштиришга қаратишимиз керак. Ўртоқ М. С. Горбачев Краснодар ўлкаси партия активлари билан учрашувда таъкидлаб ўтдики, район бўғинлари, бошланғич партия ташкилотлари бизнинг сиёсий йўлимизни реал ҳаётга мувофиқлаштириш бўйича амалга ошириладиган улкан меҳнатни ўз зиммаларига олишлари керак.

Кейинги йилларда сизнинг республикангизда шаҳар ва район прокурорлари составининг қарийб 70 проценти янгиланди. Бундай янгиланиш жараёни бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ҳам бормоқда. Кўтарилган ходимларнинг кўпи ташаббус билан, ижодий, самарали меҳнат қилмоқдалар. Ишнинг илғор ва самарали шакллари кенг жорий этилиши, барча прокуратураларнинг мулкига айланиши зарур.

Ҳозирча эса бу нарса бўлмаяпти. Бунинг устига шаҳар ва районларнинг айрим прокуратураларида энг муҳим масалаларни ҳал этишда ташвишга солувчи тўла лаёқатсизликни кўрмоқдамиз. Кўплаб прокурорлар кўпинча вазиятни билмайдилар ва ўзларини қўлга ололмайдилар. Ёки турли сабаблар билан ўткир муаммолардан ўзларини четга олмоқдалар. Масалан, Бухоро область Ромитан район прокурори Ш. Шукуров билан суҳбатда шу нарса маълум бўлдики, у ўз райони нима билан яшаётганини, партия ва совет органларининг биринчи навбатда қандай вазифаларни ҳал этаётганини, экономикадаги нозик нуқталар қаердалигини умуман билмайди. Бундай прокурордан нимани кутиш мумкин?

Ҳозир ҳар қачонгидан кўра бизнинг ишимизда конкретлилик, амалийлик ва кўргазмалилик зарур. Хўш, нима учун районда битта-иккита корхонани, айтайлик озиқ-овқат, гўшт-сут ёки енгил саноат корхоналарини олиб, бир-икки йил ичида улардаги майда ўғирликларни батамом тугатиш вазифасини олдимизга қўйиш мумкин эмас? Бу билан биз райондаги бошқа барча корхоналардаги шундай аҳволни тугатиш мумкинлигига эришишни исботлаган бўлардик. Бу амалда қайта қуриш рўёбга чиққани бўларди.

Тубдан қайта қуриш энг аввало шаҳар ва район прокуратуралари ишини анчагина жонлантириш билан боғлиқдир. Район бўғинида қонунчилик аҳволидан келиб чиқиб кўпроқ шахсий ташаббус асосида ишлаш шароитини вужудга келтириш керак. Ана шу прокуратуралар ишига баҳо беришда ташаббуснинг кўрсатилаётганлиги, амалий чора-тадбирлар мустақил кўрилаётганлиги, бошланган ишнинг охирига етказилаётганлиги ҳисобга олиниши лозим. Токи прокуратуралар ўз чора-тадбирларини жойлардаги партия ва совет органлари иши билан узвий равишда боғлаб олиб борсинлар, жамоатчиликка таянсинлар, демократиянинг кенгайтирилиши ва ошкоралик жараёнидан фойдалансинлар.

Прокуратура органларига партия раҳбарлигини кучайтириш зарурати тўғрисидаги талаблар асосида, уларга зарур ёрдам ва кўмакни бериш негизида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида бўлгани каби шаҳар ва районлар прокуратураларида ҳам партия қатламини кўпайтириш учун зарурат сезилмоқда. Прокуратуралар фаолиятини қайта қуришда бошланғич партия ташкилотлари ролини ошириш, тарбия ишларини ва коммунистларга нисбатан талабчанликни кучайтириш зарур. Истиқболли ходимларни кўтаришда уларнинг профессионал яроқлилигини ва партиявий эътиқодини тўлароқ ҳисобга олиш даркор.

Ўзбекистондаги ишлар аҳволининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, гражданларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иши савиясини анча ошириш биринчи даражали вазифадир. КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил 20 ноябрдаги шу масалага оид қарори қониқарсиз бажарилмоқда.

Кишилар тақдирига тошбағирлик билан муносабатда бўлиш, бюрократчилик, сансалорлик, маҳкамачилик кўринишлари, танқидни бўғиш билан боғлиқ кўпгина фактлар республикада ўзининг тегишли баҳосини олмаяпти. Кейинги уч йил ичида Ўзбекистон гражданларидан СССР Прокуратурасига қилинаётган мурожаатлар салкам 40 процент ошганлиги тасодиф эмас. Ахир ана шу мурожаатларнинг кўпи юзасидан шу ерда — жойларнинг ўзида қарорлар қабул қилиш зарур эди. Чунки бизда одамлар аниқ-равшан жавоб ололмай, пухта тушунтиришлар ололмай кетаётган прокуратуралар, ички ишлар органлари, судлар кўп. Шу туфайли Ўзбекистондан Москвага бораётган шикоятлар оқими ошмоқда.

СССР Олий Советининг сўнгги сессиясида мансабдор шахсларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситувчи ноҳақ хатти-ҳаракатлари хусусида судга шикоят қилиш тартиби тўғрисида қонун қабул қилинди. Ушбу қонун кучга киргандан сўнг унинг жамият ва гражданлар манфаатлари йўлида фаол ишлашини таъминлаш муҳим вазифадир. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Судлар, юстиция органлари, прокуратуралар фаолиятида тегишли тайёргарлик кўриш талаб қилинади. Худди шунинг учун ҳам қонун 1988 йил 1 январидан кучга киради. Янги қонун қайта қуриш шароитларида қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадларида барча резервлар ҳаракатга келтирилгандагина муҳим роль ўйнай олишини яна бир карра таъкидлаб ўтиш жоиздир. У худди шу нарсани, гражданларнинг ҳуқуқларини камситувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қатъиян пайини қирқишга асосланади.

Тергов ишларининг аҳволи ўткир муаммолигича қолмоқда. Қайси бир масалани олмайлик: жиноятларнинг очилишими, терговнинг сифати ва муддатларими, профилактик ишларми, барибир ижобий натижалар ҳали етарли эмас. Баъзи соҳаларда эса ҳатто орқага кетиб қолиш бор.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари йўл қўяётган ўзбошимчалик, сўроқ пайтида ва терговда холис бўлмаслик, олдиндан хато фикрга келиш фактлари ташвишлидир.

Тошкент шаҳар Ленин район прокурори Г. Гудков нархи бир ярим сўмлик ҳамённи ўғирлашда шубҳа қилиниб гражданка Фешкинани қамашга санкция берди. У бу аёл кичик ёшдаги уч боланинг онаси эканлигини, колхозда сут соғувчи бўлиб ишлашини ҳисобга олмади. Дарвоқе, ўғирлик тўғрисида етарли исботлар ҳам йўқ эди. Аёлнинг салкам икки ой қамоқда сақланганлиги ва СССР Прокуратураси ходимлари аралашганидан сўнггина озод қилинганлигига нима дейиш мумкин? Ахир шаҳар прокуратураси уни назорат қилиши керак-ку! Республика прокуратураси ҳам у билан ёнма-ён. Инсон эса шунга қарамай ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ дастлабки қамалиш жойида камситилган, таҳқирланиб, кейин маълум бўлишича, ҳимоясиз ётди.

Бундай мисоллар ягона эмас. Улар замирида жуда кўплаб қонун бузилишлари бор. Қонуннинг ҳар қандай бузилишига қарши қақшатқич ва муросасиз кураш олиб бориш даркор.

Жиноий жавобгарликка тортилган собиқ ички ишлар министри Яхёевнинг қонунсиз буйруғи республикада ҳамон амал қилиб келмоқда. Ана шу буйруққа кўра қонунга хилоф равишда қўлга олинганларни анча узоқ муддатга ушлаб туриш ҳамда вақтинча ушланган кишиларни изоляторларда сақлаш кўзда тутилган. Республика прокуратурасида бу ҳақда билмасликлари мумкин эмас эди. Бу ҳол, маълумки, бир қатор ишларда ноқонуний йўллар билан айбни бўйнига олишга олиб келганлиги маълум.

Ички ишлар органларида тартибни ўрнатиш, кадрларни мустаҳкамлаш учун кўрилган қатъий чора-тадбирларга қарамай, бу органлар фаолиятини жиддий яхшилашга ҳозирча эришилгани йўқ. Жиноятларни очиш бўйича ишларнинг самарадорлиги паст, профилактик ишлар суст олиб борилмоқда. Гражданларга айб тўнкашга оғишларга барҳам беришга эришилмади. Гражданларнинг қонуний талаблари баъзан эътиборсиз қолиб кетади.

Одил судловни олиб боришда кўпгина хатолар ва нуқсонлар бор. Судларда ишларни кўриб чиқишда бунчалик сансалорликни биронта ҳам иттифоқдош республикада учратмайсиз. Йирик қаллоблар, порахўрлар, талон-торож қилувчилар устидан қўзғатилган жиноий ишлар кўпинча бир неча ойлаб ҳаракатсиз ётади. Баъзи судьялар бу ишларни кўриб чиқишдан бош тортиш учун қанчадан-қанча найрангларни ўйлаб топмаган дейсиз. Ўйлаб топилган асослар бўйича ажрим чиқариш, ишларни бир суддан иккинчисига асоссиз равишда ўтказиб юбориш, ҳеч қандай сабабсиз ишларни қўшимча терговга жўнатиш, суднинг процессуал жараёнини билиб туриб бузиш каби ҳийла-найранглар ишга солинди. Буларнинг ҳаммаси ҳукмни бекор қилишга олиб келиши лозим эди.

Юстиция министрлиги, Олий суд ҳар бир ишни қисқа муддатларда сўзсиз кўриб чиқилиши ҳамда бу билан сансалорлик, қонун талабларини бузишларнинг пайини қирқиш юзасидан ҳар томонлама чора-тадбирлар кўришлари лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг айрим ходимларида жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришда у ёки бу даражада қонунчилик манфаатларидан четга чиқиш мумкин деган нотўғри ва хавфли тасаввур пайдо бўлди. Партия, давлат ва халқ бунинг учун бизларни ҳеч қачон кечирмайдилар. Прокуратура, милиция, судда ишловчи ҳар бир ходимнинг муқаддас бурчи шундаки, у қонунчиликка сўзсиз риоя қилиши ҳамда одамлар бизнинг хатти-ҳаракатимизга қараб Совет ҳокимиятининг адолатпарвар эканлигига, демократлаштириш жараёни қандай бораётганлигига, қайта қуриш нима бераётганлигига баҳо берадилар.

Шу билан бирга бу талаблар жамиятга қарши кўринишларга нисбатан олиб бориладиган курашни бўшаштира олмайди ва бўшаштирмаслиги лозим. Туҳматчиларга ҳамда турли-туман усуллардан фойдаланилган ҳолда қонуний жавобгарликдан қандай қилиб бўлмасин қутилиб қолишга уриниб кўрувчиларга, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини қонунга хилоф равишда ҳаракат қиляптилар, деб айб қўювчиларга моҳирлик билан зарба бериш зарур.

Бухоро ички ишлар бошқармаси бошлиғининг собиқ ўринбосари Ш. Раҳимов ўзини порахўрликда айбдор деб тан олди. У гўё тавба қилгандай бўлди. Ҳатто Бухоро область ижроия комитети ички ишлар бошқармасидаги жиноий найрангбозликни жуда кеч фош қилганликларидан ташвиш ҳам билдирди. У ҳукмни жуда оғир деб ҳисоблаб, ҳозир барча идораларга шикоят қилмоқда. Гўё уни қисувга олиб, мажбур қилганмишлар, қонунни бузганмишлар ва ҳоказо. Бошқа кўпгина айбланувчилар ҳам ҳозир буни ўзларига қулай усул қилиб олдилар.

Бундай кўринишларга эътиборсиз қараб бўлмайди. Республикада бўхтон, туҳмат, ёлғон гувоҳлик бериш анчагина кенг тарқалгандир. Уларга қарши амалда кураш олиб борилмаяпти.

Қонунчилик учун курашда принципиаллик кўрсатаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фаол, ҳужумкор ҳаракатлари кўпинча жиноятчи элементлар томонидан қўрқитиш, хавф солиш ва ҳатто зўрлик ишлатиш ҳолларига дучор бўлмоқда. Бундай фактларга ҳамма вақт ҳам ўткир баҳо берилмаяпти. Уларнинг пайини қирқишда қатъиятлилик етишмаяпти. Афсуски, республика ва маҳаллий матбуотнинг айрим журналистлари баъзан шов-шув кетидан қувиб етарли даражада текширилмаган фактларни илиб олмоқдалар ва бу билан улар оловга ёғ сепмоқдалар. Бу нарса жамоатчилик фикрини тўғри шакллантиришга ёрдам бермайди.

КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумида, Марказий Комитетнинг бир қатор қарорларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кадрлари билан ишлашни жиддий яхшилаш, уларни демократия ва ошкоралик кенгаётган шароитларда ҳаракат қилиш маҳоратига ўргатиш, ҳуқуқ-тартибот ишига хизмат қилувчи киши қонун олдида, партия олдида, халқ олдида виждонан пок бўлишини уқдириб бориш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Республикадаги аҳвол ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдига кадрлар сифатини жиддий яхшилаш, бу сиёсатни янада фаол ва собитқадам сиёсатга айлантириш, улар олдида турган вазифаларни ҳал этиш билан узвий боғлаш вазифаси турибди.

Кейинги йилларда республикага катта ёрдам берилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари штатли ходимлари кўпайтирилди. Раҳбарлик лавозимларига кўплаб ташаббускор кишилар, шу жумладан бошқа иттифоқдош республикаларнинг кишилари кўтарилди. Биргина СССР Прокуратурасининг ўзи Ўзбекистондаги раҳбарлик бўғинини мустаҳкамлаш учун 85 кишини юборди, анчагина мураккаб ишларни тергов қилишда терговчиларни командировка қилди. Ҳозир СССР Прокуратураси узоқ вақтлардан бери ҳаракатсиз ётган ишлар ва материалларни ҳал этиш учун июль ойи мобайнида яна қўшимча равишда юздан зиёд прокурорлик-тергов ходимларини юборишга мажбур бўлмоқда.

Аммо бу тадбирлар фавқулодда вазиятлар билан боғланган бўлиб, вақтинчалик характерга эга. Эндиликда энг аввало республикадаги кадрларни ўстиришга, уларни тарбиялашга, профессионал маҳоратини оширишга умид боғлаш керак.

СССР Прокуратураси бунда ҳам ёрдам беради. Ўзбекистон учун Харьков, Свердловск, Саратов юридик институтларида студентлар ўрнини кўпайтириш тўғрисидаги масала ҳал қилинмоқда. Тошкент Давлат университетини битириб чиққанларни бошқа олий ўқув юртларини тамомлаганлар билан айирбошлашни ташкил қиламиз. Бундан мақсад бошқа иттифоқдош республикалар вакилларининг Ўзбекистонда ишлашларига, республиканинг ёш мутахассислари эса мамлакатнинг бошқа регионларида тажриба тўплашларига эришишдир.

Ўн йилликлар давомида кўникиб келинган нарсаларни улоқтириб ташлаш, қайта қуриш жараёнида кўп нарсани қайтадан ўрганиш, иш услуби ва усулларини ўзгартириш, ечимларнинг янгилигидан қўрқмаслик, ўтмиш хатоларидан ижобий сабоқ чиқаришни билиш лозим. Кишиларнинг ҳаммаси ҳам, ана шу талабларга жавоб берадилар деб бўлмайди. Чунончи, Тошкент область прокурори Э. Жўраев ўз вазифасининг анчагина қисмини ўринбосарлари зиммасига юклаб қўйган. Аппарат эса прокуратура ишини қайта қуришдан четга чиқиб олди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кадрлари демократия ва ошкоралик кенгаётган шароитларда ишлашни қунт билан ўрганишга, бутун халқнинг қўллаб-қувватлаши ва ишончига таянишга даъват этилгандирлар. Шу муносабат билан меҳнат коллективлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, жамоатчиликнинг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот муаммолари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, бу ишларни янги мазмун ва шакллар билан бойитиб бориш етилган зарур вазифага айланмоқда. Халқ билан маслаҳатлашишни, меҳнаткашларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни, ҳамма бир бўлиб социал иллатларни таг-туби билан йўқотишда иштирок этишни одат тусига киритмоқ керак.

Буни расмиятчиликка, тадбирбозликка айлантирмаслик лозим. Биз маслаҳат олиш ёки қўллаб-қувватлашлари учун ҳар сафар одамларга мурожаат қилар эканмиз, улар ўз таклифлари кўриб чиқилиши туфайли қўлга киритилган натижалар ҳақида, у ёки бу муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш ҳақида хабардор қилинишлари керак. Пинҳоний ишлар камроқ бўлсин, халқ билан, ошкора, бутун овоз билан муҳокама қилиниши лозим бўлган масалаларни ёпиқ кабинетлар ичида ҳал қилмаслик керак. Ана шундагина одамлар бизларни тушуниб оладилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Ҳозир ишимизнинг асоси ана шундадир.

